



ТЕМИРҲО‘ЛЧИ

Temir yo'llar mamlakatimiz iqtisodiyoti-ning qon tomiridir.

Gazeta 1933-yildan chiqa boshlagan



ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИРҲО‘ЛЧИЛАРИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2026-yil • 21-may • payshanba • № 20 (6600)

ХАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг тегишли буйруғига асосан “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиалига қарашли станцияларда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари А.Камилджанов раҳбарлигида ҳаракат хавфсизлиги талаблари ҳамда ташиш технологик жараёнининг бажарилиши юзасидан ўтказилган “Баҳорги кўрик” якунланди.

“БАҲОРГИ КЎРИК” ЯКУНИ БЎЙИЧА ЙИҒИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ



Кўрик давомида ҳўжаликлар ҳолати, меҳнат муҳо-фазаси ва интизоми техник воситаларнинг белгилан-ган талабларга мувофиқлиги, поездлар ҳаракатини ташкил этишда юзага келиши мумкин бўлган муаммо-лар атрофлича ўрганилди.



Шунингдек, иншоот ва қурилмаларнинг соз ҳолатда сақланиши, иш технологиясининг тўғри бажарилиши ҳамда меҳнат муҳофазасини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар батафсил таҳлил қилинди.



Мазкур кўрик натижалари асосида аниқланган кам-чиликларни бартараф этиш ҳамда ҳаракат хавфсиз-лигини янада мустақамлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРИМИЗ “ХИТОЙ – ҚИРҒИЗИСТОН – ЎЗБЕКИСТОН” ТЕМИР ЙЎЛИ ҚУРИЛИШИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШМОҚДА

АЙНИ ПАЙТДА ҚУРИЛИШИ ЖАДАЛ СУРЪАТЛАРДА ДАВОМ ЭТТИРИЛАЁТГАН “ХИТОЙ – ҚИРҒИЗИСТОН – ЎЗБЕКИСТОН” ТЕМИР ЙЎЛИ ЛОЙИҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТАЖРИБАЛИ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ҲАМ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКАЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА БАЛАНД ТОҒЛАР ОРАСИДАГИ МАЗКУР МУРАККАБ ЛОЙИҲАНИНГ СИФАТЛИ БУНЁД БЎЛИШИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШМОҚДА.



Маълумки, “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўлининг умумий узунлиги тах-минан 464,3 километрини таш-кил этиб, шундан 158 километр Хитой Халқ Республикаси ҳу-дудидан, 306,3 километри эса Қирғизистон ҳудудидан ўтади. Мазкур линияда умумий 18 та станция, узунлиги 26,1 кило-метр бўлган 81 та катта ва ўрта кўприк ҳамда узунлиги 120,39 километрик 41 та туннель ку-

рилади. Кўприклар ва туннель-ларнинг жами узунлиги 146,49 километр бўлиб, бу линия умумий узунлигининг 47 фоизини ташкил қилади.

Ушбу йирик лойиҳанинг таъ-сисчилари Хитойнинг “China Railway International”, “Киргиз темир жолу” компаниялари ва “Ўзбекистон темир йўллари” ак-циядорлик жамиятидир. Лойиҳа қиймати 4,7 миллиард доллар-га баҳоланган бўлиб, келишув

шартларига кўра, Хитой кўш-ма корхонада 51 фоиз, Қирғиз-истон ва Ўзбекистон эса 24,5 фоиздан улуш олади. Шунинг-дек, ушбу темир йўл икки қис-дан иборат бўлиб, биринчиси Хитойда қўлланиладиган стан-дартга мувофиқ, Хитой чегара-сидан “Макмал” станциясигача (165,5 километр) кенлиги 1435 мм бўлган темир рельсдан фой-даланиш режалаштирилган, ке-йин эса Жалолободгача (146,2



километр) 1520 мм кенликдаги пўлат изи қуриш амалга ошири-лади.

Таъкидлаш лозимки, ушбу лойиҳа қурилишида “Ўзбеки-стон темир йўллари” акциядор-лик жамияти – “Темирйўлинф-ратузилма махсус қурилиш”

масъулияти чекланган жа-миятининг Қирғиз филиалига 400 нафарга яқин ишчи-ходим жалб этилган бўлиб, улар 140 га яқин замонавий қурилиш техникаси, машина-механизм ва ускуналардан фойдаланиш-моқда.

СЕМИНАР

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИГА БАҒИШЛАНДИ

“Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамиятида заводнинг Меҳнат-ни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўлими бошлиғи Д.Халмирзаева бошчилигида “Юк кўтариш кранларининг тузилиши ва уларни хавфсиз ишлатиш қоидалари” бўйича семинар ташкил этилди.



Тадбирда завод раҳбария-ти ва ўрта бўғин раҳбарлари, кран машинистлари, муҳан-дислар ҳамда Тошкент давлат транспорт университети “Тех-носфера хавфсизлиги” кафедр-аси профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Тошкент давлат транспорт университети кафедра катта

ўқитувчиси Ш.Мусаев томони-дан семинар иштирокчилари юк кўтариш кранларининг қу-рилмаси, техник хусусиятлари ва хавфсизлик талаблари бил-лан яқиндан танишдилар.

Шунингдек, семинар дас-турининг асосий мавзулари юк кўтариш кранларининг ту-зилиши, кўприкли, минора, ав-



токран ва порталли кранлар-нинг конструктив элементлари (фермалар, миноралар, стре-лалар, кўтариш механизмла-ри) батафсил таҳлил қилинди.

Хавфсиз ишлатиш қоида-лари, ишга тайёргарлик, иш пайтидаги хатти-ҳаракатлар,

юк кўтариш ва тушириш тар-тиблари тушунтирилди. “Юк кўтариш кранларининг тузили-ши ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари” ва “Хавфли иш-лаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғриси-да”ги қонуннинг асосий талаб-

лари кўриб чиқилди. Техник кўрик ва хавфсизлик қурилма-лари – тормозлар, юк чекла-гичлар, блокировка тизимлари ва уларнинг созлиги муҳоама қилинди.

Давоми 2-бетда

ҚАДРЛАНГАН КЕКСАЛАР

НУРОНИЙЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНДИ

Кекса авлод вакиллари қадрлаш ва уларга эҳтиром кўрсатиш ўзбек халқининг азалий қадриятларидан ҳисобланади. Ҳозирги дорилон кунларга етиб келишимизнинг замирида тинч-осойишта, тўкин-сочин ва бахтли ҳаёт гаштини суришимизда ота-боболаримизнинг беқиёс ўрни бор.

Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан “Бухоро” темир йўли шифохонаси филиалида ҳам узоқ йиллар меҳнат қилиб, шифохона равақига улкан ҳисса қўшиб, фуқароларнинг саломатлигини тиклашда, тиббий хизмат кўрсатишда ўз кучини, ҳаётини, соғлигини баҳшида қилган нафақахўрлар ҳолидан хабар олиниб, кўнгил сўралди.

Шифохона директори Ф.Саломовнинг ташаббуси ҳамда Касаба уюшмаси кўмитаси билан ҳамкорликда 34



нафар нафақахўрнинг хонадонларига ташриф буюрилди ва уларга озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим қилинди.

Бугунги фаровон кунларнинг шукронасини кўриш, тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиш, айниқса, кекса авлод вакиллари учун катта бахт эканлиги уларнинг қувончи чеҳрасида

намоён бўлди. Бу шунчаки оддий тadbир эмас, балки доимий анъана бўлиб, уруш ва меҳнат фахрийларини, кекса ёшли инсонларни эъзозлаш, уларнинг ҳаётий тажрибасидан ўрнак олиш, ёш авлодни кексаларга ҳурмат руҳида тарбиялашда жамиятимизда муҳим роль эгаллайди.



Нуронийлар тинчликни улуғлаб, ҳаёт тўкин ва осойишта эканлигини, ҳар бир куннинг қадрига етиш кераклигини бот-бот айтиб дуо қилишди. Зеро, қарияларни йўқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш жамият маънавий камолотининг муҳим асоси ҳисобланади.

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИМИЗ!

САМАРҚАНДДА ГИЁҲВАНДЛИК ВА НАРКОЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ САМАРАДОРЛИГИ ОШИРИЛМОҚДА

Жорий йилнинг 1 май кунидан 30 май кунига қадар республика миқёсида “Хавфсиз йўналиш” ва “Қорадори – 2026” тadbирлари доирасида Самарқанд вилояти Транспортда ХТБ ҲПГ ва ЖКБ ходимлари томонидан Самарқанд темир йўли тизимидаги корхона ва ташкилотлар, маҳаллалар ҳамда таълим муассасаларида тушунтириш-профилактик ишлари ўтказилиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 3 ноябрдаги “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-tadbирлар тўғрисида”ги фармони билан “Гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш бўйича 2025-2026 йилларга мўлжалланган комплекс амалий ҳаракатлар миллий дастури” тасдиқланди. Ёшлар ва ўсмирлар ўртасида гиёҳванд моддалар истеъмоли нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё учун долзарб муаммо эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Қайд этиш жоизки, сўнгги вақтларда онлайн платформалар гиёҳ-

вандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний савдоси учун қўлай ахборот майдонига айланиб бормоқда. Интернет маконида гиёҳвандлик воситалари ва психоактив моддалар савдосига ихтисослашган 52 та ахборот манбаи аниқланган. Уларнинг 14 таси веб-сайтларда, 38 таси эса телеграм мессенжери орқали фаолият юритган. Ёшлар орасида “Тропикамид”, “Прегабалин” (“Лирика”, “Регален” ва “Липре”), “Залеплон” (“Селюфен”) каби кучли таъсир қилувчи препаратлар ва таркибидagi гиёҳвандлик воситаси бўлган “Трамдол” дори воситалари кенг тарқалиб, уларнинг истеъмоли учраётгани, ёшларнинг алдов йўли билан

наркожиноятларга аралашиб қолиш ҳолатлари йилдан-йилга ортиб бораётгани тарбиявий, тушунтирув ва бирламчи профилактик тadbирларни узлуксиз равишда ўтказиб боришни тақозо этмоқда.

Жамиятнинг эртанги куни бўлган ёшларни бу иллатдан асраш, уларни виртуал ва реал хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш нафақат ҳуқуқ-тартибот органларининг, балки ҳар бир ота-она, устоз-мураббий ва кенг жамоатчиликнинг виждоний бурчидир.

Р.СУЛТОНОВ,
Самарқанд вилояти Транспортда ХТБ ҲПГ инспектори, катта лейтенант

ТАНЛОВ

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИГА БАҒИШЛАНДИ

«Давоми. Бошланиши 1-бетда»

Ходимларни аттестациядан ўтказиш ҳамда кран машинистлари, чилангарлар ва хавфсизликка масъул шахсларнинг билим даражаси ва малакасини текшириш тартиблари изоҳланди.

Ўқув-семинар якунида меҳнатни муҳофаза қилиш борасида бўлим раҳбарлари билан савол-жавоб тартибидa суҳбат ўтказилиб, меҳнат муҳофазаси назорати ишларини такомиллаштириш бўйича ўз мулоҳазалари баён этилди.

Ўтказилган семинар юзасидан бош муҳандис О.Тураев, Касаба уюшмаси кўмитаси раиси Б.Маджитов ўзларининг ижобий фикр ва мулоҳазаларини, яъни семинар натижасида ходимларнинг кранларни хавфсиз ишлатиш борасидаги билим даражаси ошганлигини, хавф-хатарларни баҳолаш ва олдини олиш кўникмалари шакллантирилганлигини ҳамда юк кўтариш кранларини режалаштирилган техник қўриқдан ўтказиш ва қатъий қоидаларга риоя қилиш муҳимлиги таъкидланганлигини билдирдилар.

Келгусида ушбу йўналишдаги семинар ва тренинглари мунтазам ташкил этиш режалаштирилди.

Дилфуза ХАЛМИРЗАЕВА,
Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўлими бошлиғи

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг “Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш Республика кўрик-танлов тўғрисида”ги Низомига кўра корхона, ташкилот, муассаса ва станциялар тизимида барча даражадаги касаба уюшма ташкилотлари, меҳнатни муҳофаза қилиш вакиллари ва меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассислар ўртасида ташкил этиш юзасидан кўрик-танлов ўтказиш тартиби ва унинг мақсадларидан келиб чиқиб, “Тошкент минтақавий темир йўли узели” филиали Худудий касаба уюшма кўмитаси томонидан танловнинг биринчи босқичи ўтказилди.

ҲОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ



Кўрик-танловда ҳудудда фаолият кўрсатаётган корхона ва муассасалар, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар ва 35 ёшдан ошмаган ёш мутахассислар иштироки таъминланди.

Мазкур танловда “Тошкент минтақавий темир йўли узели” филиали ва Худудий касаба уюшма кўмитаси тасарруфидаги темир йўли масофалари, алоқа ва сигнализация масофалари, электр таъминоти масофалари, “Тошкент” вагон эксплуатация участкаси, “Ўзбекистон” локомотив депоси, 203-сонли Тажриба йўли машина станцияси, “14-сон рельс пайвандлаш поезда”, “1-ихтисослаштирилган қурилиш монтаж поезда”, “1-сон Энергомонтаж поезда”, Тошкент транспорт техникуми, “Темирйўллар” акциядорлик жамияти, “Йўл электр механика устaxonаси”, Ховос темир йўли узели ишчи-



ҳодимлари вакиллари қатнашди. Натижаларга кўра “Ўзбекистон” локомотив депоси “Меҳнатни муҳофаза қилишда энг яхши натижаларга эришган корхона” сифатида 1-ўринга лойиқ кўрилди. 2-ўрин Тошкент темир йўли масофасига насиб этди. Кучли учликдан Тошкент алоқа ва сигнализация масофаси жамоаси жой олди.

“Меҳнатни муҳофаза қилишда энг яхши касаба уюшмаси ташкилоти” йўналишида 1-ўрин Салар темир йўли масофаси Касаба уюшмаси кўмитаси раисига насиб этди. 2-ўридан “Тошкент минтақавий темир йўли узели” филиали Касаба уюшмаси кўмитаси раиси жой олди. Темир йўли мониторинги ва диагностикаси маркази Касаба уюшмаси кўмитаси раиси 3-ўринга муносиб кўрилди.

“Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакил” номинацияси бўйича Жиззах темир йўли масофаси меҳнат муҳофазаси вакили 1-ўринни қўлга киритди. 2-ўринга “Ўзбекистон” локомотив депоси дурадгори, меҳнат муҳофазаси вакили сазовор бўлди. “Тошкент минтақавий темир йўли узели” филиали пост посбони, меҳнат муҳофазаси вакили 3-ўрин соҳиби бўлди.

“Меҳнат муҳофазаси бўйича 35 ёшдан ошмаган энг яхши мутахассислар” танловида 1-ўрин Ховос электр таъминоти филиали етакчи мутахассисига насиб этди. 2-ўринга Тошкент кадрлар бўлими етакчи мутахассиси сазовор бўлди. Кучли учликдан “Тошкент минтақавий темир йўли узели” филиалининг Рақамлаштириш ва ахборот хавфсизлиги бўлими етакчи мутахассислари ўрин олди.

Ҳолиб ва совриндорларга узел ҳамда узелнинг Худудий касаба уюшма кўмитасининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРИМИЗ “ХИТОЙ – ҚИРҒИЗИСТОН – ЎЗБЕКИСТОН” ТЕМИР ЙЎЛИ ҚУРИЛИШИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШМОҚДА

«Давоми. Бошланиши 1-бетда»

Ҳозирда қурилиш объектида тупроқ ишлари самарали амалга оширилмоқда ва тажрибали мутахассислар томонидан ҳар бир бажарилган иш сифати назорат қилиб борилмоқда. Хусусан, темирйўлчилар томонидан ҳудудда тупроқ ишлари, рамали кўприк ва сув ўтказувчи қувурларда ер ишлари, пойдевор қисмларига қуйма бетон олиш ҳамда сув ўтказиш қувурлари учун арматурали каркас тўқиш ишлари бажарилмоқда.



“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти ва мутахассислари томонидан қурилиш участкасига зарур бўлган техника ва қурилиш маҳсулотлари ўз вақтида етказиб турилиши назорат қилинмоқда. Бундан ташқари, ишчи-ҳодимларимизнинг меҳнат муҳофазаси талаб ва қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда хавфсизликда ишлаш ҳамда зарур махсус кийим-бош, дам олиш ва уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланмоқда.



Эслатиб ўтамоқчи, “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли қурилиши 2024 йил декабрь ойида бошланган эди. Мутахассисларнинг фикрича қурилиш ишлари 2030 йил якунига қадар тўлиқ тугатилиб, “Аср қурилиши” номини олган мега лойиҳа фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Ушбу лойиҳа Шарқий Осиёдан Яқин Шарқ ва Жанубий Европа мамлакатларигача бўлган масофани тахминан 900 километрга, юк етказиб бериш муддатини эса 7-8 суткага қисқартиради. Юк ташиш ҳажми йилига бир неча баробарга ортади.

Рустам ҲАЙДАРОВ

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

“МОҲИР ОШПАЗЛАР” КЎРИК-ТАНЛОВИ

Темирйўлчи ишчи-ходимларнинг миллий урф-одатларимизга бўлган қизиқишларини янада ошириш, ўзаро дўстлик, биродарлик, меҳроқибат туйғуларини мустақамлаш мақсадида “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали Худудий касаба уюшма қўмитаси тасарруф-идаги корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган ишчи-ходимлар ўртасида “Моҳир ошпазлар” кўрик-танлови ўтказилди.



Танлов Навоий шаҳридаги Тинчлик тиклаш поезди корхонасида бўлиб ўтди. Унда жами 18 та жамоа иштирок этиб, ошпазлар ҳамда иштирокчилар томонидан бир неча хил ош турлари, мева карвинги, дастурхон безатиш каби шартлар бажарилди ва комиссия аъзолари томонидан муносиб баҳоланди.

Натижаларига кўра 1-ўрин Навоий алоқа ва ишорат масофаси, 2-ўрин Учкудук темир йўл масофаси, 3-ўрин Бухоро алоқа ва ишорат масофаси жамоалари эгаллашди.

Ғолибликни қўлга киритган жамоалар пул мукофоти сертификати билан тақдирландилар ҳамда кўрик-танловнинг барча иштирокчиларига Худудий касаба уюшма қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

Р.ЯНГИЕВ,
Худудий қўмита ташкилий бўлим етакчи мутахассиси

МАЪНАВИЯТ МАНЗИЛЛАРИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШДИ

Музейлар ҳар бир халқ илмий-маданий меросини ифода этувчи жонли тарихдир. У халқнинг маданияти, турмуш тарзи, миллий анъана ва қадриятларини ўрганиш, уларни тарғиб этиш ва келгуси авлодга етказишда муҳим аҳамият касб этади.



Шу муносабат билан Темирйўлэкспресс” акциядорлик жамияти раҳбарияти ҳамда Маънавият ва маърифат ишлари бўйича масъуллар ташаббуси билан жамиятнинг ишчи-ходимлари Тошкентдаги мустабид тузум қатагонлари қурбонлари хотирасини абадийлаштиришга хизмат қилиб келаётган “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси ҳудудда барпо этилган “Қатагон қурбонлари хотираси” давлат музейига ташриф буюрдилар.

Музей XX асрнинг 20 йилларидан Иккинчи жаҳон уруши бошлангунча қадар совет давлатининг жазо органларига қатлгоҳ бўлиб хизмат қилган. Тошкент шаҳрида отилган қатагон қурбонлари шу ердаги учта қатлгоҳга

дафн этилган. Ёдгорлик мажмуи ана шу собиқ уч қатлгоҳ худудларини ўзаро бирлаштириб туради. Агар рамзий сағана ёдгорлик мажмуининг мемориал маркази ҳисобланса, музей биноси унинг маърифий маркази бўлиб хизмат

қилиши ҳақида маълумотга эга бўлди-лар.

Музей биноси Бўзу бўйида, баҳаво жойда жойлашган бўлиб, бир қаватдан иборат, ердан баландлиги 20 метр. Дастлабки бино бир гумбази 400 м² ҳажмидаги ягона экспозиция залидан ташкил топган. Бино атрофи 28 та нақшкор устунлар кўтариб турган айвондан иборат бўлган. Унинг умумий майдони 784 м² ташкил этган. Бино ўзбек миллий меъморили анъаналари асосида қурилган.

Музей экспозициясида мустабид тузум давридаги оммавий қатагонлар туфайли қурбон бўлган, инсонлик шаъни, қадр-қиммати топталган ватандошларимизнинг хурмати ва хотирасини жойига қўйиш, ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларини кучайтиришга қаратилган ҳужжат ва турли экспонатлар намойиш этилган.

Тадбир якунида иштирокчилар музей гидига мавзуга оид саволлар бериб, жавоб олишди.

ЭКОНОМИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ

ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ МОДЕРНИЗАЦИИ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

В современной экономике транспортная система играет роль не просто инфраструктурного элемента, а выступает одним из ключевых факторов конкурентоспособности государства. Для Узбекистана, не имеющего прямого выхода к морским путям, значение железнодорожного транспорта приобретает стратегический характер. Именно он обеспечивает устойчивую связь между внутренними регионами и внешними рынками, формируя основу национальной логистики.

Сегодня ведущую роль в этой системе выполняет АО “Узбекистон темир йуллари”, на долю которого приходится около 65% грузооборота страны. Общая протяжённость железнодорожной сети превышает 7 тысяч километров, а ежегодные объёмы перевозок достигают 70-75 млн тонн грузов и свыше 20 млн пассажиров. Эти показатели отражают не только масштаб отрасли, но и её прямое влияние на себестоимость продукции в промышленности, сельском хозяйстве и экспортных операциях.

На этом фоне развитие железнодорожной системы в последние годы выходит за рамки поддержания существующих мощностей и приобретает характер глубокой модернизации. Электрификация линий, обновление подвижного состава и внедрение цифровых решений формируют новую модель функционирования отрасли. Переход на электрическую тягу уже позволяет снижать эксплуатационные расходы в среднем на 20-25%, одновременно увеличивая скорость движения поездов. Это сокращает время доставки грузов и ускоряет оборот капитала, что особенно важно для бизнеса, ориентированного на внешние рынки.

Существенные изменения происходят и в пассажирском сегменте. Введение нового электропоезда “Джалалидин Мангуберди” стало не просто технологическим обновлением, а отражением перехода к более эффективной экономике перевозок. Использование современных составов позволяет

личить пассажирооборот на 10-15% без пропорционального роста затрат, что ведёт к снижению себестоимости одной поездки и улучшению финансовых показателей отрасли. Одновременно повышается качество транспортных услуг, что стимулирует мобильность населения, развитие внутреннего туризма и деловой активности.

Экономическая отдача модернизации проявляется как на уровне самой отрасли, так и в более широком макроэкономическом контексте. Снижение логистических издержек способствует удешевлению конечной продукции, что усиливает позиции узбекских производителей на внешних рынках. Ускорение перевозок повышает оборачиваемость капитала и создаёт дополнительные условия для развития малого и среднего бизнеса. Вместе с тем сохраняются и объективные ограничения. Железнодорожная отрасль остаётся капиталоемкой, а реализация инфраструктурных проектов требует значительных ресурсов и длительного периода окупаемости. Усиливается конкуренция со стороны автомобильного транспорта, особенно на коротких расстояниях, где важна гибкость доставки. В этих условиях особое

значение приобретает повышение эффективности управления, внедрение цифровых технологий и развитие комплексных логистических решений.

Железнодорожная отрасль Узбекистана сегодня находится на этапе перехода от количественного роста к качественному развитию. Повышение эффективности, технологическое обновление и расширение транзитных возможностей формируют основу для долгосрочного экономического роста. Завершая анализ, важно подчеркнуть: дальнейшее развитие железнодорожной отрасли страны как важного элемента национальной экономической стратегии требует не только продолжения инвестиционной активности, но и более глубокого внедрения экономических механизмов управления. На первый план выходит задача повышения отдачи от уже реализуемых проектов – через оптимизацию тарифной политики, расширение цифровых сервисов и активное привлечение частного капитала.

Ш.ХОЛБУТАЕВА,
доцент, PhD Ташкентского государственного экономического университета



PROGRESS RAIL И RAILMONITOR ДОГОВОРИЛИСЬ О СТРАТЕГИЧЕСКОМ ПАРТНЕРСТВЕ

Американская Progress Rail (входит в состав корпорации Caterpillar) интегрирует в свои технические решения для железнодорожной инфраструктуры средства мониторинга и предиктивной аналитики, разработанные датской компанией Railmonitor. Соответствующее соглашение о стратегическом сотрудничестве заключено этими компаниями в начале мая 2026 г.

Railmonitor предоставляет технологии и датчики, обеспечивающие мониторинг состояния стрелочных переводов, других элементов пути и искусственных сооружений в реальном времени при помощи облачной платформы.

Система собирает данные от датчиков и формирует на их основе информацию о состоянии технических объектов, автоматически генерируя при необходимости тревожные извещения, а также сообщения о деградации техники еще до наступления отказа. Это позволяет перейти от планового к предиктивному техническому обслуживанию на основе данных о фактическом состоянии устройств и повысить эксплуатационную готовность железнодорожной инфраструктуры.

В числе заказчиков Railmonitor – многие европейские железные дороги. Система мониторинга, разработанная компанией, используется, в частности, на мосту через пролив Большой Бельт в Дании.



ALSTOM ОБОРУДУЕТ СИСТЕМОЙ ETCS УЧАСТОК ТРАНСЪЕВРОПЕЙСКОГО КОРИДОРА В ГЕРМАНИИ

Компания Alstom получила первый заказ в рамках количественного контракта по цифровизации систем ЖАТ, который железные дороги Германии (DB) заключили с четырьмя генеральными подрядчиками полтора года назад. Общая стоимость работ по этому контракту составляет 6,3 млрд евро. Он охватывает внедрение европейской системы управления движением поездов ETCS, микропроцессорной централизации (МПЦ) и интегрированной системы автоматизированных рабочих мест iLBS.

Alstom возьмет на себя обновление инфраструктуры ЖАТ на участке Ратинген-Западный – Леверкузен-Морсбройх, который соединяет города Дюссельдорф и Леверкузен на линии, проходящей по правому берегу Рейна и входящей в трансъевропейский коридор Северное море – Рейн – Средиземноморье (на территории Германии он носит название Рейн – Альпы, RALP).

На участке будут внедрены цифровые МПЦ, система ETCS уровня 2 (в дополнение к точечной АЛС PZB и светофорной сигнализации) с размещением приемопередатчиков на путях и устройством двух центров радиоблокировки RBC. Цифровые МПЦ и центры радиоблокировки будут подключены к размещенной в Вуппертале системе рабочих мест iLBS через стандартные интерфейсы SCI CC, обеспечивающие единообразное управление техникой разных изготовителей.

Первую очередь (43 км пути) с одним RBC планируется приступить в декабре 2029 г., после чего Alstom приступит к реализации второй очереди проекта (еще 21 км) и внедрению второго RBC.

Alstom стала третьим генподрядчиком, получившим заказ по количественному контракту. Ранее к выполнению двух заказов было привлечено совместное предприятие компаний Siemens Mobility и Leonhard Weiss, еще один заказ выполняет компания Hitachi Rail.

UNIFE ПРЕДЛОЖИЛО МОДЕЛЬ ФИНАНСИРОВАНИЯ СТРОИТЕЛЬСТВА ЕВРОПЕЙСКОЙ СЕТИ ВСМ

Европейская ассоциация железнодорожной промышленности (UNIFE) обнародовала план финансирования создания европейской сети высокоскоростных линий. В качестве возможных источников инвестиций суммарным объемом 345 млрд евро называются принятые Евросоюзом схемы торговли квотами на эмиссию парниковых газов, инфраструктурные облигации для привлечения частного капитала, средства пенсионных фондов и суверенных фондов благосостояния, а также нового фонда поддержки конкурентоспособности Европы (Competitiveness Fund).

Кроме того, UNIFE предлагает почти удвоить размер фонда Connecting Europe Facility (CEF) с 51,7 млрд до 100 млрд евро на очередной бюджетный период 2028 – 2034 гг.

В план включено также требование обновления директив ЕС о госзакупках, чтобы исключить риски привлечения к развитию европейской сети ВСМ зарубежных поставщиков, получающих господдержку. UNIFE объясняет выдвигание этого требования тем, что сеть ВСМ является критически важной инфраструктурой.

Еврокомиссия в ноябре 2025 г. опубликовала концептуальный план создания к 2040 г. сети трансъевропейских высокоскоростных линий и намерена в сентябре 2026 г. представить сопутствующий финансовый план.





ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ САЁХАТ ҚИЛ!

САМАРҚАНД ВА ХИВА ШАХАРЛАРИГА САЁХАТ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Бошқарма касба уюшма кўмитаси томонидан 8-10 май кунлари бошқарма ва бўлинмалар ишчи-ходимларига Самарқанд ва Хива шаҳарларига саёхатлар уюштирилди.



Статистика департаменти ходимлари учун дастлаб кўҳна Урганч – Хива йўналиши бўйлаб икки кунлик зиёрат ташкил этилди. Саёхат давомида ходимлар Урганч шаҳрида Амударёнинг куйи оқими, чап соҳилида жойлашган тарихий Шовот канали ҳамда шаҳар марказидаги маҳабатли “Жалололдин Мангуберди” ҳайкалини зиёрат қилишди.

Саёхатнинг иккинчи кунини Хива шаҳрига бағишланди. Темирйўлчилар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган “Ичан қалъа” мажмуаси, ундаги ноёб музейлар, Жума масжиди, Шерғозихон мадрасаси, Шайх Мухтор Валий ва Паҳлавон Махмуд мақбаралари, шунингдек, Муҳаммад Аминхон минораси ва Нуруллабой саройини катта қизиқиш билан томоша қилдилар. Айниқса, Марказий Осиёдаги илк фотосуратчи ва кино тасвирчи Худойберган Девоннов ҳаёти ва ижодига бағишланган кўрғазма ҳамда Хива шаҳрининг тунги кўриниши саёхатчиларга завқ бағишлади.

Ходимларнинг навбатдаги манзили боқий Самарқанд шаҳри бўлди. Икки кунлик зиёрат давомида темирйўлчилар Афросиёб шаҳарчаси, Улугбек расадхонаси, Ҳазрати Ҳизр масжиди, муҳташам Регистон майдони (Улугбек, Шердор ва Тиллақори мадрасалари), Бибиҳоним мажмуаси, Руҳобод, Гўри Амир ва Хўжа Аҳрор Валий мақбаралари, шунингдек, Дониёр пайғамбар мақбараси ва муқаддас Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилдилар. Шу билан бирга, шаҳарнинг замонавий қиёфасини акс эттирувчи “Samarkand city” мажмуаси ҳам ходимларда катта таассурот қолдирди.

Ушбу саёхатлар давомида темирйўлчиларнинг хавфсиз ва қулай ҳаракатланиши учун замонавий поездларга бориш-келиш чипталари ҳамда шина меҳмонхоналардан жойлар банд қилинди. Ресторанларда мусиқий дастурлар ҳамроҳлигида кечки овқатлар ташкил этилди.

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИДА

Тизимдаги маърифий тадбирларнинг узвий давоми сифатида жорий йилнинг 12-15 май кунлари 200 дан ортиқ ишчи-ходим учун пойтахтимизда қад ростлаган Ислам цивилизацияси марказига саёхат уюштирилди. Темирйўлчилар марказ биносининг маҳобати, ўзига хос меъморий



ечимлари ҳамда экспонатлар билан яқиндан танишдилар. Қарийб саккиз йил давомида барпо этилган ушбу маёқ-масканда 20 мингдан ортиқ ноёб экспонатга эга музей, бой кутубхона ва нодир кўлөзмалар фонди мавжуд бўлиб, иштирокчилар уларни катта ҳайрат билан кўздан кечирдилар.

Марказда намойиш этилаётган ноёб артефактлар Ўзбекистоннинг исломгача бўлган ва ислом даври маданий меросини замонавий рақамли технологиялар ҳамда илмий тадқиқотлар билан уйғунлаштирган ҳолда тақдим этилган. Бу эса заминимизда асрлар давомида илм-фан, таълим, маданият ва маърифат юксак даражада ривожланганини яққол намойён этади. Интерактив ўқув лабораториялари, виртуал кўрғазмалар, “вақт капсулалари” ва “вақт деворлари” ходимларнинг билимларини бойитишга хизмат қилди.

Музейдан ўрин олган “Биринчи ва Иккинчи Ренессанс” бўлимлари, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино каби буюк алломаларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси замонавий инсталляциялар орқали таъсирчан тарзда намойиш этилди.

Шахло УМАРОВА, Бошқарма Касаба уюшма кўмитаси раиси:

– Бу саёхат темирйўлчиларимиз учун нафақат мароқли ҳордик, балки катта маънавий озиқа бўлди. Марказдаги энг илғор технологиялар, сунъий интеллект имкониятлари ва айниқса, ислом дунёсининг энг ноёб ёдгорликларидан бири – Ҳазрат Усмон Муҳсафи (Қуръони) барчада унутилмас таассурот қолдирди. Юртимиз асрлар давомида илм ва исломий кадрларнинг асраб-авайловчи муқаддас маскан бўлганига яна бир бор амин бўлдим.

Мароқли ва мазмунли ташкил этилган ушбу саёхатлардан юқори кайфият билан қайтган темирйўлчилар ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва эътибор учун ташкилотчиларга ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Д.ГАЗИЕВА

ХАЛҚАРО ҲАМШИРАЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

“ТЕМИР ЙЎЛ ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ БОШ ДИРЕКТОРИ М.МАМАСИДИКОВНИНГ 2026 ЙИЛ 4 МАЙДАГИ 287-СОНЛИ БҲУРУҒИГА АСОСАН “ТЕМИР ЙЎЛ ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИНING 2026 ЙИЛ ИШ РЕЖАСИГА АСОСАН 12 МАЙ – ХАЛҚАРО ҲАМШИРАЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ҲАМШИРАЛАР УЧУН 15-16 МАЙ КУНЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИДАГИ “БУРЧИ-МУЛЛО” БОЛАЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲИДА СПОРТ МУСОБАҚАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Мусобақага “Кўнғирот”, “Урганч”, “Бухоро”, “Қарши”, “Термиз”, “Самарқанд”, “Андижон”, “Қўқон”, “Тошкент клиник” темир йўл шифохоналари ҳамда поликлиникалари ва Марказий санитария-эпидемиология станциясида фаолият кўрсатаётган 60 нафарга яқин ҳамшира жалб этилди.

Иштирокчилар Тошкент шаҳрида кутиб олиниб, махсус микроавтобусларда пойтахт вилоятининг сўлим гўшасида, тоғлар орасида жойлашган “Бурчи-мулло” оромгоҳига ташриф буюришди. Дастлаб табиат бағрида сайр қилиб, баҳор ойининг кўркам манзарасидан баҳраманд бўлишгач, байрамона нонуштадан сўнг белгиланган дастурга кўра мусобақанинг шашка тури бўйича иштирокчиларини бошлашди. “Темир йўл ижтимоий хизматлар” масъулияти чекланган жамияти Бирлашган Касаба уюшма кўмитаси раиси Хайрулла Асатуллаев темир йўл соҳасида фидойилик билан меҳнат қилаётган ҳамширалар ҳар доим соҳамиз раҳбарияти эътиборида бўлиши, уларнинг залворли меҳнатлари муносиб рағбатлантирилишини алоҳида қайд этар экан, ушбу ташкил этилган мусобақа ва дам олиш саёхати ҳам мазмунли ва кўтаринки кайфиятда ўтишини таъкидлади. Шундан сўнг ҳакамлар гуруҳидан ташкил топган мутахассислар томонидан шахмат мусобақаси шартлари тушунтириб ўтилгач, ғолиблик учун кураш бошланди.

Шашка баҳсларида “Марказий клиник” касалхонаси филиали лаборанти Ольга Дрозд ғолибликни қўлга киритди. “Андижон” темир йўл шифохонаси филиали ҳамшираси Махлиё Мелибоева иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, “Қўқон” темир йўл шифохонаси филиали катта ҳамшираси Гулбаҳор Узоқова учинчи ўриндан жой олди.

Баскетбол тўпини отиш баҳсларида ҳам ҳамширалар фаол иштирок этиб, ҳар бир ўрин учун муросасиз баҳслашишди. Мусобақанинг ушбу тури якунида “Самарқанд” темир йўл шифохонаси филиали ҳамшираси Зилола Жўраева биринчи ўринни қўлга киритди. “Термиз” темир йўл шифохонаси ҳамшираси Ҳанифа Ҳазратқулова иккинчи ўринни эгаллади. “Қарши” темир йўл шифохонаси филиали ҳамшираси Мадина Уроқова эса учинчи ўринга муносиб деб топилди.

Сўнг эса мусобақанинг яна бир қизиқарли тури – камондан нишонга ўқ отиш бўлиб ўтди. Гарчи ҳамшираларнинг ақсарияти биринчи бор камондан ўқ отган бўлса-да, спортнинг ушбу турини ҳам тезда ўзлаштириб олишди. Баҳслар эса шунга қараб қизиқарли ва шиддатли кечди. Сўнгги иштирокчи камондан нишонга ўқ узмагунча ғолибларни аниқлаш имкони бўлмади. Якуний натижалар ҳисобига кўра эса бу



турда ҳам биринчи ўрин соҳиби аниқланди. “Самарқанд” темир йўл шифохонаси филиали ҳамшираси Зилола Жўраева биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, “Қўқон” темир йўл шифохонаси филиали катта ҳамшираси Гулбаҳор Узоқова иккинчи ўринни эгаллади. “Кўнғирот” темир йўл шифохонаси филиали ҳамшираси Замира Авезбаева учинчи ўрин соҳибаси бўлди.

Мусобақанинг сўнгги тури – арқон тортиш баҳслари ҳам анча қизиқарли ва шиддатли кечди. Ҳакамлар гуруҳи ҳар бир учрашуви адолат билан бошқарди. Натижада эса мусобақанинг сўнгги турида чорак финал, ярим финал ва финал баҳслари жуда қизиқарли ва кескин баҳслар билан ўтди. Жамоавий руҳ ва ҳамжиҳатликни намойён этган арқон тортиш мусобақасида “Кўнғирот” темир йўл шифохонаси филиали жамоаси биринчи ўринга муносиблигини исботлади. 2-ўрин “Қўқон” темир йўл шифохонаси филиали жамоасига насиб этди. Юқоридаги рақибларга бой берилгани учун “Кўнғирот” темир йўл шифохонаси филиали жамоаси ғолибликни қўлга киритди.



“Саломатлик” тиббий санитария ёрдам поезди жамоаси эса учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақанинг барча турлари якунлангач, оромгоҳнинг кўркам ошхонасида ғолибларни тақдирлаш маросими кечки овқат вақтида, байрамона дастурхон билан янада завқли бўлди. Дастлаб шашка, сўнг эса тўп отиш ва камондан нишонга ўқ узиш турлари бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи ўрин соҳибларига фахрий ёрлик ҳамда эсда



бўлиб, ташкилотчиларга ўз миннатдорчиликларини билдирди.

– Мен “Кўнғирот” темир йўл шифохонасида фаолият кўрсатаман, – дейди ҳамшира Замира Авезбаева. – Биз Кўнғиротдан 4 нафар бўлиб келдик. Икки кунлик мусобақа ва саёхатимиз жуда мазмунли, мароқли ва эсда қоладиган воқеаларга бой бўлди. Ҳамкасбларимиз билан суҳбатлашдик, яқиндан танишдик, тажриба алмашдик. Менга Тошкент вилоятининг сўлим табиати, айниқса, баҳорнинг май ойида виқорли тоғларнинг гўзаллигини кўриш жуда завқли бўлди. Оромгоҳ ҳам сўлим масканда жойлашган экан. “Чиноркент” дам олиш масканига қилган сафаримиз эса ҳаётимдаги энг қувончли ва ҳаяжонли дақиқалар сифатида эсимда қоладиган бўлди. Бунинг учун ушбу мусобақа ва саёхатни ташкил этган, биз учун барча шароитни аъло даражада тайёрлаб берган “Темир йўл ижтимоий хизматлар” масъулияти



лик совғалари тақдим этилди. Шундан сўнг арқон тортиш баҳсларида биринчи, иккинчи ва учинчи ўрин эгаларига махсус кубок, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари тантанали тарзда топширилди. Шунингдек, ҳар бир иштирокчига алоҳида махсус совғалар тарқатилди. Шу кўра ўйин-кулги билан давом этган маросимда иштирокчилар мароқли дам олишди.

Иккинчи кун эрта тонгдан меҳмонлар оромгоҳнинг сўлим худудларида сайр қилиб, табиат гўзаллигидан баҳраманд бўлгач, енгил нонуштадан сўнг микроавтобусларда сўлим тоғлар бағридан ўтиб, юртимизнинг кўркам худудларини томоша қилиб, туризм марказига айланиб бораётган “Чиноркент” дам олиш масканига етиб келишди. Замонавий ва кўркам масканда яратилган қулайликлардан фойдаланиб, сайр қилишди. Кўркам боғнинг ҳар бир худуди темир йўл ҳамшираларини ҳайратда қолдирди. Юртимиз табиатининг бу бой ва гўзал табиатидан баҳраманд

чекланган жамияти раҳбариятига, Бирлашган Касаба уюшма кўмитаси раиси ҳамда хисса қўшган мутахассисларга ўз миннатдорчилигимизни билдирдим. Темир йўлимиз учун, темирйўлчиларимиз учун шароф ва фидойилик билан меҳнат қилишда давом этамиз.

Саёхатнинг сўнгги манзили “Хўжакент” масъулияти чекланган жамияти бўлди. Бу ерга ташриф буюрган ҳамшираларга ушбу дам олиш маскани яқиндан таништирилди. Байрамона дастурхон атрофида тановул қилинган, Тошкент шаҳрига қайтиб келишди. Худудлардан келган ҳамширалар поездда манзилларига катта таассурот билан, миннатдорчилик кайфияти билан кетишди.

Бундай спорт тадбирлари жамоада соғлом муҳитни шакллантириш, ходимлар қулайликлардан фойдаланиб, мустаҳкамлаш ҳамда жисмоний фаолликни оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Рустам ҲАЙДАРОВ



МУАССИСЛАР:

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши

Тахрир кенгаши:

Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ф.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусаҳҳиҳ –
Умида ТҮЙЧИБОЕВА

Саҳифаловчи –
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомухбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)
Қабулхона: (71) 236-48-92
Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0139-рақам билан 2007 йил 11 январда рўйхатга олинган.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди
ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-534 Босишга топширилди: 19:30 1 2 3 4 5 6